

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№33 (7007-7008)
1999 йил, 14 октябрь

Сотувда эркин нархда

Азиз болажонлар! Диққат билан телекўрсатувларни кўраётган бўлсангиз ёки радиодан эшиттиришлар тинглаётган бўлсангиз, сайлов ҳақида гапиришаяпти. Мактабингизга кираверишда ҳам 5 декабрь - Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига Сайловлар куни, 2000 йил 9 январь Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов куни деб ёзиб қўйилибди. Сайлов нима ўзи? Сайлов - барча учун зарур жараён. Унда яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлисга депутатлар ва Ўзбекистон Президентини сайлаш мумкин. Аввало сайланадиган депутатлар номзоди рўйхатга олинади, номзодлар билан учрашувлар ўтказилади, номзодлар депутат бўлса амалга оширадиган, бажарадиган ишлари, яъни дастурлари билан халқни таништирилади. Ҳар бир сайлов округи бирор ташкилот, мактаб ёки турли заводларда ташкил топиши мумкин. 18 ёшдан ҳар бир фуқаро сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга. Улар ўзларига берилган таклиф қозғалари билан сайлов куни белгиланган жойга бориб яширин овоз берадилар. Сайловчи бир ўзи парда билан ўралган махсус

хонага кириб ўзига маъқул номзод номини ўчирмай қолдиради. Сўнг жаъми овозлар санаб чиқилади. Ким кўп овоз олса, ўша депутат бўлади.

Депутатлар эса халқ фаровонлиги учун ҳаракат қилади. Баъзан сайловга бепарқ қарайдиганлар ҳам учраб қолади. Ваҳоланки, номзод тўғри танланса, иш ҳам юришади. Сайловчи хушёр бўлса, ўз қадрини анласа, Парламентдан кучли инсонлар ўрин олади. Агар тушунчаси паст, фикри тўмтоқ, номunosиб кишиларнинг депутат бўлиб қолишига йўл қўйилса, ўзимиз зарар кўраимиз. Шунинг учун ҳар бир сайловчи сайловга жиддий муносабатда бўлиб, муносиб номзодни танлай билиши лозим. Зеро, сайлов маънавиятимизни, ўзигимизни кўрсатувчи кўзгу. Поётахтимиздаги Юсуф Мўминов номли мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашиб, уларга уч савол билан мурожаат қилдик. 1. Сайлов ҳақида қандай моддаларни биласиз? 2. Депутатларга қандай талаб қўйган бўлардингиз? 3. Сиз депутат бўлганингизда қандай ишларни амалга оширардингиз?

САЙЛОВ - ОШКОРАЛИК ВА МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

КИТОБ ДЎКОНИ
КЕРАК

1. Мен Олий Мажлисга сайлов ўтказишнинг асосий принциплари ҳақидаги 1-моддани биламан. Унда шундай дейилган:

Олий Мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялик асосида беш йил муддатга сайланадиган икки юз эллик нафар депутатдан иборат. Олий Мажлис депутатлари тўғридан-тўғри, тега ва умумий сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

2. Депутатларга қандай талаб қўйган бўлар эдим?!

Мактабимиз қурилганига 70 йил бўлаяпти. Анча эскириб қолган. Мен депутатлардан замон талабларига мос, кўп қаватли, шинам, хуллас, янги мактаб қуриб беришларини илтимос қилган бўлардим.

3. Мен депутат бўлганимда мактабимиз ёнида катта китоб дўкони очган бўлардим.

Азиза МАҲМУДОВА,
10- «А» синф ўқувчиси.

2000 ЙИЛ-УСТОЗЛАР ЙИЛИ БЎЛСИН

1. Умумий сайлов ҳуқуқи ҳақидаги 2-модда билан мен танишсам:

Олий Мажлисга депутатлар сайлови умумийдир. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунигача 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадилар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб тошилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

2. Депутатларга талабим, мактабимизга компьютерлар беришса.

3...

Сурайё ШОБОБОЕВА,
8- «Б» синф ўқувчиси.

ВАЪДАГА ВАФО КАНИ?

1. Тенг сайлов ҳуқуқи ҳақидаги 3-моддада шундай дейилади:

Ҳар бир фуқаро - сайловчи бир овозга эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадилар.

2. Агар менинг Олий Мажлис депутатларига талаб қўйиш имкониятим бўлганида, улардан ваъдалари устидан чиқишларини талаб қилган бўлардим.

3. Депутат бўлиш, етишиш қийин бўлган орзу. Агар шундай бўлиб қолса, аввало қаровсиз қарияларга кўлимдан келганча ёрдам берардим. Маҳалламизда боғча, мактаб, шифохона қурдирадими.

Шерали ЖЎРАЕВ,
11- «Г» синф ўқувчиси.

АТРАКЦИОНЛАР ТЕКИН БЎЛСИН

1. 8-модда Сайлов участкалари тузиш тартиби ва нормаси ҳақидадир. Унда шундай сўзлар бор:

Сайлов участкалари, қонда тарихида, камида 20 нафар ва кўни билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

2. Депутатларга талаб қўймайман, аммо орзу қиламан. Депутатлар болалар уйида тарбияланаётган маънос тенгдошларимиз, укасингилларимиз ҳузурига ота-оналарини қайтарингиз. Тез-тез уерга бориб, уларга совға улашингиз.

3. Депутат бўлсам, болалар учун



қуришган истироҳат боғлари, ундаги атракционларни текин қилган бўлардим. Яна ота-онамни 4 қават кўрпачага ўтказиб қўйиб, дуоларини олардим.

Жавлон ИСОҚОВ,
10- «А» синф ўқувчиси.

СУРАТЛИ КИТОБЛАР...

1. Мен 19-модда Олий Мажлис депутатлари сайловини тайинлаш ҳақида айтиб бермоқчиман:

Сайлов тайинланганидан кейин кечи билан уч кун ичида сайлов куни тўғрисида матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида маълум қилинади.

20-моддада эса шундай дейилади:

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари эгадилар.

2. Қанийди, депутатлар кўчамизни асфальт қилиб беришса. Янги жойга кўчиб чиққанмиз, газ, сув келтириш учун доим пул йиғишади. Кўчаларимиз чанг, қипда ботқоқ. Ахир, мактабга тоза, озода келишни хоҳлаймиз.

3

Депутат бўлсам, болалар учун аталган газета ва журналлардан ташқари янада кўп рангли, суратли китоблар нашр қилдирадими.

Рихситилла ШЕРМОНОВ,
10- «А» синф ўқувчиси.

КОНТРАКТ ПУЛИНИ 80%ГА КАМАЙТИРАДИМ

1. Олий Мажлис депутатлигига номзодларга қўйиладиган талаблар ҳақида 23-моддада шундай ёзилган:

Қуйидагилар:

судланганлиги Қонунда белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар;

сайлов тайинланган кунга қадар сўнги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

2. Олий ўқув юртига кириш учун 5-10 балл етмаётган акажон ва опагонларимга имтиёз берардим, контракт пулини 80 фоизга қисқарттирадими.

3. Ватанимнинг янада гуллаб-яшнаши учун барча керакли ишларни қилган бўлардим.

Камола ЖЎРАЕВА,
10- «В» синф ўқувчиси.

Болалар! Тенгдошларингиз фикри Сизга маъқулми? Сиз 3 саволимизга қандай жавоб берасиз? Мактубларингизни ёзиб юборингиз.

ГУЛЮЗ тайёрлади.

ОДОБНИНГ ЎҒЛИМАН

Бир кун халифа Маъмун одоб билан сўзлаб турган боладан : «Кимнинг ўғлисан?» деб сўради. Бола: «Одобнинг ўғлиман», деди. Бу жавобдан хурсанд бўлган халифа: «Қандай чиройли отанг бор экан-а», - деди.

Ҳа, одобнинг ўғли бўлиш қандай яхши. Бола азиз- одобни ундан азиз, деган мақолда ҳам жон бор. Юртимиз

кундан- кун гўзаллашиб, орзу-ниятларимиз улғайиб бормоқда. Бунинг ҳам боиси - одоблилар бисёрлигидандир. Одоб бор жойда илм бор, илм бор жойда яратиш бор. Аммо ҳамма ҳам одобли бўламан дейди-ю, ақл ёшда эмас бошда эканлигини билади-ю барибир ўзи ҳақида одамлар нима дейишини билмайди. Қолаверса ҳамма ҳам ўзини билганида эди, одобли бўлиб илму- фанга интилганда эди, одамлар ўртасида меҳр-оқибат йўқолмасди. Катталарга иззатда, кичикларга хизматда бўладиганлар ҳам одобли болалар-да, ахир. Мен ўзим таниган, билган одобли ва одобсиз болалар ҳақида кўп ёзишим мумкин. Аммо ўзим қандай қизман? Мени одамлар қандай сифатлар билан гапиришади? Билмайман-да. Шунинг учун ҳам бировларнинг номига одобли ёки одобсиз деб қўшим келмайди. Келинг болалар, ҳамма сифатни фазилатни ўзимиздан излайлик. Одобнинг ўғил-қизлари бўлайлик. Жаннатмакон кўнгли юртимиз биз - одоблилар билан чирой очиб боради.

Нигора МИРЗАМУҲАМЕДОВА,
ТошДШИ талабаси.

ОДАМ ОДАМГА ГАНИМАТ

Ўғлим, отанг сен билан қоронгу тунда, сен уйқуга кетган бир вақтда суҳбатлашяпман. Бундан асло ҳайрон бўлма! Мен сенинг ёнингга айбдор

бонимни эгиб келдим. Бир туш кўрибман. Тушимда сен оқ тўлпорга ўтириб, ёруғ

нур сари йўл тутяпсан. Кўнглим сени йўқотаётганини ва энди биз абадулабад учрашмаслигимизни сезаётган бўлсам-да, сенга ета олмаяпман. Ана ўшанда мени кўркув қамраб олди ва сен менга нақадар керак эканлигингни тушуниб етдим. Истироб тўлқини мени бўға бошлади ва хаёл денгизига кўмди.

Кўп асабийлашганим туфайли сени доимо койир эдим. Бугун ишдан қайтаётганимда сен ўртоқларинг билан ўйнаётган эдинг. Чанг ва тупроқдан кийимларинг кир бўлиб кетган экан.



Мен эса: «Бу кийимлар неча пул туришини биласанми? Агар ўзинг уларни сотиб олганингда озодароқ бўлар эдинг!» - дея коййдим. Кейинроқ мен

хонамда ўтирганимда сен ёнимга кириб келдинг. Сенинг нигоҳингда қандайдир оғриқ сездим, бироқ бепарқлик билан «Сенга нима керак?» дея сўрадим. Жавоб ўрнига сен ёнимга югуриб келиб мени маҳкам қучоқлаб олдинг. Сенинг қучоғингда мен Тангри насиб этган ва менинг кўрслигим нобуд қила олмаган меҳрни сездим.

Сени ҳадеб койиш менга одат бўлиб қолибди. Сендан кўп нарсани талаб қилибман. Ҳозир қоронгу тунда мен ўз айбимга иқрор бўлиб, сенинг ёнингга тиз чўкаяпман.

Юқоридаги фикрларга хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, эртанги кунимиз бўлмиш фарзандларимизни эзгулик билан тарбия қилмоқ керак. Агарда инсонлар бир-бирларига меҳрли бўлсалар, ҳаётимиз янада гўзал бўлади, жамиятимиз эса равнақ топади. Шундай экан бир-биримизга яхшилик қилишни ҳеч қачон унутмайлик. Ахир одам- одамга ганимат-ку!

Дилноза ЮНУСОВА,
ТошДУ, журналистика
факультетининг талабаси.

БУЮКЛИК БОЛАЛАРДА

Ўқитувчи билим ва тарбия берувчи инсон ҳисобланади. Зеро тарбия билан билимни сира бир-биридан ажратиш бўлмайди. Ўзим мактабда маънавий ва маърифий ишлари билан шуғулланганим учунми ўқувчиларнинг тарбияси мени кўпроқ қизиқтиради.

Мактабимизда бир қанча тўгараклар қаторида «Фидойилар клуби»ни ташкил қилдик. Бу клуб ўқувчилари бизнинг ҳар бир ишимизда биринчи кўмакчимиз ҳисобланади.

Бизнинг мақсадимиз юксак исътедолли, Ватан истиқболи йўлида билимини аямайдиган ватанпарвар инсонларни етказишдан иборатдир.

Клубимизга 28 нафар ўқувчи аъзо. Унинг Президенти ҳам бор. Ўқувчилар мактаб ва маҳаллалардаги барча талбирларда фаол иштирок этишади.

Мактабимизда «Ота-оналар университети» ташкил қилинган. Ота-оналар устозлар билан биргаликда маҳаллаларда яхши иш олиб боришмоқда.

Мактаб, маҳалла, ота-она билан ҳамкорликдаги ишларимиз ўзининг яхши натижасини берапти.

Биз устозлар ўз ўқувчиларимиздан кўп яхши нарсаларни кутаяпмиз. Улар Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшадиган баркамол инсон бўлишларини истардик. Зеро, Ўзбекистон келажаги буюклир. Бу буюклик эса биз тарбия қилаётган фарзандларимиз кўлида.

Латофат АБДУРАИМОВА,
Тошкент шаҳар, Акмал Икромов
туманидаги 296- мактаб ўқитувчиси.

МЕНИНГ ИСМИМ...

Менинг исмиМ Роза. Ҳайрон бўлаяпсизми?

Мен туғилишимдан олдин Дилфуза опам қиз бола туғилса Малика деб исм қўямиз, деган эканлар. Маликалардек яшасин, деб ният қилиб.



Бироқ мен моҳи рамазон кунларининг бирида туғилганлигим учун Аҳмаджон бобом «Рўза ойида туғилдим, исмини Рўза деб қўямиз», дебдилар ва ... «Ў» ҳарфи «О» ёзилибди.

Ҳаммамизга маълумки, Роза- атиргул демакдир. Мени рус тилида атиргулдай очилиб юрсин дейишган-да. ИсмиМ ўзимга жуда ёқди.

Роза ПИРЖАНОВА,
Тошкент шаҳар,
Сирғали туманидаги
266-мактабнинг
7- «А» синф ўқувчиси.

Мен ойижонимдан нега исмиМ Озода деб сўраганимда, улар менга шундай жавоб бердилар.

Мен туғилишимдан олдин бобом қаттиқ касал бўлиб қолган эканлар. Шунда ладаноним ойимларга «Агар қиз кўрсак исмини Озода қўямиз, зора бобонг тузалиб, ёруғ кунларга чиқсак», деган эканлар. Мен туғилганимдан сўнг бобомлар ҳам тузалиб, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетган эканлар. Шунинг учунми бобом мени жуда яхши кўрадилар.

Озода ХОЛОВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги
4-мактабнинг 7- «А»
синф ўқувчиси.

Менинг исмиМ Муниса. Ўз исмиМ менга жуда ёқди. Менга бундай чиройли исм қўйишгани учун дадам ва ойимлардан миннатдорман.

Мен туғилганимда ота-онам, нима исм қўямиз деб узоқ тортишишибди ва дадам гўлиб чиқиб Муниса дебдилар.

Уйимизга бувижоним келиб, менга қўйилган исмиМни эшитиб, қўлларини дуога очиб шундай дебдилар:

«Набирамнинг исми Муниса экам келажагда мунис қиз бўлиб ўссин. Ота-

онасининг фахри бўлсин! Бувижонимнинг айтганларидек Мунис деган исмга лойиқ қиз бўлиб, уларнинг ниятларини оқлайман.

Муниса
БОЛТАЕВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги 49-
мактабнинг 7- «В» синф
ўқувчиси.

Менинг исмиМни бувижоним қўйган эканлар-Дилнора. Аввалига, бу исмининг маъносини била олишмабди. Шунда бувижоним Дилнора - дили тоза,пок, деган маънони билдиради. Қизимизнинг дили мусаффо бўлсин, дўим унга яхши кунлар ҳамроҳ бўлсин, деб дуо қилган эканлар.

Дилнора ТОЛИБОЕВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги
49- мактаб ўқувчиси.



Иқтисод

**МАСАЛАНИ
ЕЧИНГ**

1. Агар корхонада ҳар иш куни ўртача 200 варақ қоғоз сарфланса ва шу қоғозларнинг 500 варағи 2.95 доллар бўлса, у ҳолда корхона ойига қоғоз учун қанча пул сарфлайди?

2. Агар чет элда истеъмол буюмининг нархи ҳар ойда 1 фоиздан ўшиб борса, у ҳолда 1 йилда унинг нархи неча фоизга ортади? (Ҳар бир келаётган ой учун фоизни белгилашда буюмининг ўтган ойда ҳосил бўлган янги нархига нисбатан белгилашни унутманг)

Арифметика


ҚАДИМИЙ ТОПИШМОҚ

Жуда кўпчилик биладиган шундай топишмоқ бор: дарахтга бир неча қуш учиб келди, улар шохларга жуфт-жуфт бўлиб қўнишса, битта қуш етишмайди, борди-ю тоқ қўнишса, унда битта қуш ортиб қолади, яъни битта шох камлик қилади. Қушлар ва шохлар нечтадан экан?

Сиз ушбу топишмоқни биласизми? Билмасангиз ечинг, билсангиз буни билмайдиганларга айтиб, топқирлигини синаб кўринг-чи.

ТУТ

Ушбу чизмадаги катак ва доираларда жойлашган 9 та У ва 4 та Т ҳарфлари воситасида нечта "ТУТ" сўзи ҳосил қилиш мумкин? Уларнинг сони жами Т ва У ҳарфлари сонига нисбатан кўпми, озми?



Бахтиёр Омон.

Тенгдошларинг тоқидан

ОСМОНДАГУ МУНЧОҚЛАР

Осмону фалакни кучасиз, қушлар, Синчиклаб қарасам, гўёки тушлар. Қанот ёзиб сизлар қайтамон елиб, Чуғурлаб қўясиз ҳовлига келиб.

Қалдирғоч ё булбул, ёки мусича, Учасиз - осмонда митти чумчуқча. Кўплаб полапонлар очгансиз сизлар, Аммо уларни кўрмаймиз бизлар.


Юртимиз кўзига бахш этинглар нур, Бўлинглар бўйнига тақилгандек дур



ОНАСИ УЧУН

Онанг учун йиғлагил, Меҳрини сен илғагил. У учун ўз жонингдан - Кечиб, кетгил борингдан.

У тунлари бошингда, Турган эди қошингда. Онангни асра сен ҳам, Кўзига қўндирма нам.



Оқ сутини оқлагил, Хурматини сақлагил.

Муқаддас Хусанова, Тошкент шаҳридан 28-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

**АВТОМОБИЛНИ
КИМ ЯРАТГАН?**



Биринчи бензин билан ишлайдиган двигатель 1883 йилда Готлиб Даймлер томонидан яратилган эди. У бу двигатель одамида 2 гилдиракли велосипедни ҳаракатга келтирган. 1886 йилда эса Карл Бенц 3 гилдиракли автомобиль яратди ва унга бензин ёрдамида ишлайдиган мотор ўрнатди. Шу сабабли Даймлер билан Бенц автомобиль ихтирочилари сифатида тан олинган.

Уларнинг илк машиналари 0.75 от кучига эга бўлиб, соатига 12 км йўл босарди. Бу машиналарнинг олдиндаги бир гилдираги рул, 2 орқа гилдираклар юрувчилик вазифасини ўтарди. 1886 йилда Даймлер 4 гилдиракли автомобиль яратди. 1890 йилда эса бирийўла 2 модел - "Викторико" ва "Фаэтон"ни тақдим этди.

Даймлер билан Бенц ҳамкорликда ишлаб, автомобиль учун 2 цилиндрли двигатель яратишди. 1891 йилда эса Даймлернинг кизи Мерседес номи билан аталувчи фирма ташкил этдилар.

1901 йилга келиб франциялик Жан Пежо ҳам автомобиль яратди. Орадан 2 йил ўтгач, америкалик муҳандис Генри Форд томонидан биринчи автомобиль заводи қурилди.

Ана шундан бошлаб дунёда автомобиль даври бошланди.

Маслаҳатлар

САБЗАВОТЛАРНИ ҚАЙНАТГАНАА...

* Винегрет ёки салат учун мўлжалланган сабзавотларни пўчоғини арчмасдан қайнатиш зарур, акс ҳолда дармондорилари сувга чиқиб кетади.

* Қаламча шаклида тўғралган картошкани қизариб пишсин десангиз, уни тўғраб бўлгач, совуқ сувда ювиб сувини яхшилаб силқитинг ҳамда яхши қизиб турган ёғда қовуринг.

* Яшил нўхот ва қизилча (қанд лавлаги)дан бошқа сабзавотларни тузли сувда қайнатилади. Яшил нўхот эса тузли сувда узоқ пишса, қанд лавлаги ўз мазасини йўқотади.

* Карамни ҳеч қачон хомлигида қовурмаслик керак. У қуруқ ва тихир бўлиб пишади. Карамни аввал қайнатиб, сўнг қовурилса мазали бўлади.

**НЕГА МУШУКНИНГ
КЎЗИ...?**



Мушуклар кўп ахборотларни кўзлари орқали оладилар. Унинг кўзлари катта-катта. Мушукнинг ҳам иккала кўзи бир вақтда бир тарафга қарайди. Шу тариқа ҳар 2 кўзда илғаган кўриш майдони марказда кесишади ва шунинг учун мушук кўринган майдоннинг кўламини масофасини аниқ белгилай олади.

Мушукнинг кўзлари зўр жойлашган. Унинг кўриш майдони 187 градус кенгликни қамраб олади. Бу итларникидан 2 марта, одамнинг кўриш майдонидан 1.5 марта катта дегани.

Шунинг учун мушук сизга ёнбош турган бўлса ҳам, у сизни бемалол кўриб туради. Мушук рангларни фарқлашда одамга нисбатан ожиз бўлсада, шаклни аниқлашда жуда устаси фаранг. Мушукнинг кўзи одамнинг кўзидан 6 марта ўткир. У таниш одамни 100 метр узоқдан ҳам танийди. Мушук ҳаргиз кино кўришига йўл қўйманг. У секундига 50 марта липиллаш-

ни илғай олади, бу кино кадри частотасидан 2 марта кўп. Демак, мушук экранда воқеалар ривожини эмас, балки кадрлар-суратлар алмашинувини кўради.

Мушукнинг кўз қорачиғи масофа ва ёруғликка қараб ўз катталигини ўзгартириб туради. Ёруғда у тик-овал шаклда, қоронғуликда эса катта думалоқ шаклда бўлади. Унинг кўзларидаги нурни сезувчи тўрпардада хужайрани акс эттирувчи қатлам бор. Нур кам жойда ана шу қатлам нурни (ёруғликни) яна қайта кўз тўрпардасига қайтаради. Шу тариқа унинг ёруғликни сезиш қобилияти 2 марта ортади. Мана шунинг учун ҳам мушук қоронғуда бошқалардан кўра яхшироқ кўради.



БАТАН ҚАДРИ

Мен буюк ўзбекнинг ўғлонидирман, Халқим келажагин поспонидирман. Она юртнинг кўкси қалқонидирман, Ватаннинг замини, осмонидирман.

Алпомишдек довурак, акаларим бор, Элимда уларнинг издоши бисёр. Номардлар орқадан пичоқ санчилар... Лекин эрк деганлар уни янчилар.

Юрагим қаърида ўша мудҳиш кун, Ўзбегим қалбида жарохатли тун... Ёвузлар кўксига менинг қаламим, Ханжардек беомон санчилар бир кун.

Шаънингни кўқларга кўтарсам-да оз, Қадригга етсалар бўлар жуда соз.

УКАМГА НАСИХАТ

Дунёда бор шундай донишманд, доно Улар илми элга машҳур доимо. Ёзозла уларни, то бор имконинг. Билимларин ўрган, токи бор жонинг.

Сенга айтар яхши-ёмонни улар, Улардир оламда сара, эзгулар. Хаёлингга бўлсин билимлари ҳам, Улар учун этма ширин сўзни кам.

Булардир ҳақиқат таянч-тиргаги Билими диёнат асос, - ўзаги.

Камолхўжа Алихўжаев, Тошкент шаҳридаги 28-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.



ҲАММАСИ ҚАЛАМТИРДАН БОШЛАНГАН ЭДИ



Капитализм нимадан бошланганини биласизми? Қалампирдан. Ҳар қалай биз шундай деб ўйлаймиз. Айнан мана шу нъматни излаб XV асда Колумб Ҳиндистонни излаб денгизга чиқди ва Ҳиндистонга эмас, Америкага бориб қолди. XV-XVII асрлардаги Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб ва бошқа сайёҳлар одамларга дуб улар ўйлаганидан ҳам ниҳоятда кенг ва мураккаб эканини исботлаб беришди. Ахир шу даврда дунё харитасида Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия, Океания, Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқ пайдо бўлди. Бу янгилик ўша давр савдогарлари учун жуда катта имкониятлар яратди. Тасаввур қилинг: ҳозир Марсада ерликлар билан савдототиқ қилишни истовчи одамлар бор, деган хушxabар замондош бизнесменларни қанчалик қизиқтирмайди дейсиз?

География оламидаги кашфиётлар билан бошланган капитализм илм-фаннинг кўплаб соҳаларида янгиликлар яратилиши давомида ривожланиб борди. Металл пул билан қоғоз пул ишлаб чиқилган давр орасида кўп минг йиллар ўтган бўлса, биринчи буг машинаси яратилганидан то илк электростанция бино бўлгунча ўтган давр атиги 100 йил! Ҳа, илм-фан мана шунақа шиддат билан ривожлана борди. Агар бизнес тарихига чуқурроқ назар солинса, ҳар бир янги кашфиёт

ҳаётга жорий этилиши натижасида одамлар улкан фойда олар эдилар. Ахир дунёда йиллик фойдаси 1 миллиард долларни ташкил этадиган компаниялар сони 600 тадан ортиқ. Уларнинг кўпчилиги XIX-XX асрларда яратилган маҳсулотлар олдисотдиси билан шуғулланади. Масалан, автомобиль саноати, телефон алоқаси, компьютер техникаси, радиоэлектроника ва б. Маълумки, ҳозир компаниялар қанақа маҳсулот савдоси билан шуғулланмасин, уларнинг бирортаси ҳам шахсий компьютер, телефакс, ксерокс, уяли телефон каби энг янги кашфиётлар воситаларисиз иш юрита олмайди.

Янги кашфиётлар янги касбларни юзага келтирди. Касблар кўпайгани ва пул топишнинг янги воситалари пайдо бўлиши тўғрисида пул сарфлаш соҳалари ҳам кенгайиб бормоқда. Ахир XVIII асда содир бўлган саноат бурилиши даврига одамларнинг энг олий мақсадлари яхши уй, яхши мебель, кийим ва яхши еб-ичишдан иборат эди. Тарихий асарларда ёзилишича, у даврда бир инглиз графининг тунги туваги кумушдан ясалган экан. Унинг замондошларининг орзуси ўзига мана шунақа тувак сотиб олиш бўлган экан.

Лекин бизнесменлар, нагидир, вақтни хурсандчилик билан ўтказиш одамзотнинг энг катта эҳтижларидан бири эканини пайқамдилар. Ҳозир айнан улкан кўнгилочар машгулотлар саноати юзага келган.

Бизнес бозорида бу соҳа ўнлаб. Америка кашф бўлганидан ҳам кўп фойда келтирадиган кашфиёт бўлди. Кинофильмлар ва видеофильмлар, Диснейленд парки ва компьютер ўйинлари, кабел ва йўлдош телевидениелари - булар кўнгилочар машгулотлар саноатининг айрим тармоқлари холос. Фарбий Европа ва Америкада тез-тез эълон қилиб туриладиган, энг бой одамлар рўйхатида кўнгилочар саноат вакиллариномлари кўп экани бежиз эмас. Улар орасида миллионлаб кишиларга завқ-шавқ берувчилар - киноактёрлар, мусиқачилар, теннисчилар, автомобиль пойгачилар, спортчилар ва бошқа соҳа вакиллари бор. Улар шунақа кўп пул топишга муносибми, деган саволга қуйидаги мана бу бир мисол жавоб бўла олади. Агар "Битлз" гуруҳи кўшиқлари ёзиб чиқарилган ҳар бир пластинка атиги 1 цент (чақа) турган чоғида ҳам бу гуруҳнинг ҳар бир мусиқачиси миллионер бўлиши шубҳасиз.

Бадий китоблар, расмлар, хайкалтарошлик асарлари ва бошқа шу каби ижод намуналарининг баҳоси қиммат бўлиши учун улар энг янги урфда ёки ўта замонавий бўлиши

шарт эмас. Зотан, истеъдод ва илхом даражаси пул билан ўлчанилмайди. Йирик бизнесменлар ҳам ҳар қачон нодир санъат асарлари ўлмас мулк эканини яхши биладилар. Масалан, Ясуда Файер ва Токио Денгиз компанияси Ван Гог чизган битта суратни 22.5 миллион фунт стерлингга сотиб олди. Ёки Герман Абс XII асда яратилган "Генрих Лъв Инжили" қўлёзма китоби учун 8 миллион фунт тўлади. Америкадаги Ж.П.Гетти музейи эрамиздан аввалги IV асда яратилган бронза ҳайкалчани 3.9 миллион долларга харид қилди. Леонардо да Винчи ўзининг машҳур сурати "Жоконда"ни 1517 йилда қирол Франциско I га сотган эди. Шундан бери бу картина қироллик хазинасида сақланмоқда, уни ҳали бирор марта ҳам қайта сотмадилар, аммо ушбу картинанинг сугурта баҳоси 100 миллион доллар туриши ҳам унинг қиймати йилдан йилга ортиб бораётганидан далолат.

Баъзан эса катта маблағлар ажабтовур нарсаларга ҳам сарфланилади. Масалан, Американинг "Маккалох ости корпорейшн" фирмаси Лондондаги бузуқ кўприклардан бирини бўлақларга бўлиб, океан ортига Аризон штатида олиб келиш ва уни таъмирлар учун 2 миллион доллар сарфлади. Қизиқ-да! Ҳар бир бойнинг ўз "қилиғи" бор!

ТАДБИРКОРНИНГ СУЯНЧИФИ...

Орзуга айб йўқ: ўзингизни бир соат "давлат бошлиғиман", деб тасаввур қилинг.

Демак, сиз - "ҳукумат" бошлиғисиз. Сизга биринчи навбатда нималар зарур? Тўғри, ким раҳбар бўлса ҳам биринчи навбатда унга давлат аппарати - ҳукумат бошқарув органи керак. Уни тузиш ва сақлаб туриш учун эса пул керак.

Сизнинг ҳукуматингиз тинчликсевар бўлиши мумкин. Лекин у ҳар хил қарашли, сиёсатли мамлакатлар орасида бўлгани сабабли давлатингизнинг ўз армияси, милицияси бўлиши шарт. Акс ҳолда... Ҳатто ўз фуқароларингиз орасида ҳам жиноятчилар бўлиши аниқ. Уларни қамаб қутулиш мумкин, дейсизми? Бировнинг айбини бўйнига қўйиб, уни қамаш учун, албатта, суд керак. Суд органини ташкил этиш, уни сақлаб туриш учун ҳам пул керак. Қаранг, ҳаммаси харажат - ҳамма соҳага ҳам пул сарфлаш шарт.

Бундан ташвишланишга ҳожат борми?! Ахир сиз "раҳбарлик" қилаётган мамлакатда театрлар, музейлар, концерт заллари, киностудиялар ҳам бўлиши тайин-ку! Буларсиз мамлакат - мамлакат, одамлар - халқ бўлармиди!

Тиббиёт-чи? Мен хусусий шифохоналар очаман, дейсизми. Бу - хом гап. Чунки ҳамма одамлар ҳам хусусий шифохоналарда даволанишга маблағ тополмайди. Бемор, ҳатто хавфли юқумли касалликка чалинса ҳам даволанмай, уни ҳаммага юқтириб юрадиганлар кўплаб топилади. Фуқаролари касалманд мамлакат - мамлакатми?!

Телевидение ва газета-журналлар-чи? Сиз халққа ўз фикрларингизни етказмоқчи бўлсангиз нима қиласиз? Фақат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланасиз.

Қаранг-а, давлат қуриш, мамлакатни бошқариш осон иш эмас экан.

Ҳатто пулдор тадбиркорлар ҳам ўзларини ҳукумат ҳимоясидагина эркин сезадилар.

Шундай қилиб, сизнинг "ҳукумат"ингизнинг харажатлари оз эмас. Пулни қаердан олиш мумкин?

Дунёдаги бирорта "ҳукумат"нинг ўз пули бўлмайди, у пулни одамлардан ва корхоналардан олади. Бунинг учун турли солиқ турлари йўли билан йиғади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакатдаги ҳар бир фуқаро - солиқ тўловчи ҳисобланади.

Мамлакатингиздаги меҳнатта яроқли ҳар бир одам аввало фойда солиғи тўлашга мажбур. Қанча фойда олсалар ўшанга мос даражада давлатга солиқ тўлайдилар. Яна бошқача солиқлар ҳам бор: уй-жойи, машина мулки учун, ҳайвонлари ва боғдаги мевали дарахтлари учун, атроф-муҳит тозаллиги учун ва бошқа-бошқалар учун солиқлар жорий этилади дунёдаги ҳамма мамлакатларда.

Бирок фуқародан фуқаронинг фарқи бор. Оддий инсонлар ҳам бор, йирик ишлаб чиқариш корхонаси бор кишилар ҳам бор. Корхона эгалари корхонаси учун солиқ тўлашади: корхона олган фойда учун, мол-мулки учун ва яна бошқа солиқлар ҳам бор...

"Ҳукумат раҳбари" сифатида сиз солиқлардан тушган пул воситасида мамлакатни бошқарингиз

мумкин. Масалан, агар сиз мамлакатда одамларга истеъмол моллари етказиб берувчи кичик корхоналар кўпайишини истасангиз, марҳамат, - кичик корхоналардан олинандиган солиқ миқдорини камайтинг, одамлар дарров ўзларини кичик корхона очишга, кичик бизнесга уришади.

Дунёдаги мамлакатларда солиқнинг асосий турлари айтарли бир хил, бироқ унинг миқдори турлича. Масалан, ривожланган давлатларда фуқаролар ишлаб топган маблағнинг 25 фоизидан 55 фоизгача фойда солиғи жорий этилган. Бизнеснинг мустақил Ўзбекистонимизда у 15 фоиздан 45 фоизгача. Энг кам иш ҳақида эса умуман солиқ олинмайди.

Одам бизнесменми ёки давлат арбобими - бундан қатъи назар у солиқ тўлашга мажбур.

Шундайлигини билса-да, баъзи одамлар қалбида худбинлик бор. ҳамма ҳам солиқ тўлашни унча хушламайди. Нима қилиш керак? Тўғри, солиқ ишини назорат қилиб турадиган ташкилот тузиш керак. У - давлат солиқ инспекцияси деб аталади. Кўпгина мамлакатларда ҳатто солиқ полицияси бор.

Бирок, биргина солиқдан тушган маблағ давлат хазинасини тўлдиролмайди. Бунинг учун яна бир йўл бор. У Акциз деб аталади. Давлат четдан келтирилган ва ўзида ишлаб чиқарилган товарлар баҳоси устига устама нарх қўяди. Масалан, алкагол ичимликлар, сигаретлар, момиқ, бензин кабилар қўшимча нарх билан сотилади. Бу қўшимча нарх - Акциз ставкаси дейилади ва у давлат хазинасига тушади.

Шундай қилиб, давлат хазинаси - фойда солиғи, корхона солиғи, аҳоли соғлиқни сақлаш, маориф,

сугурта ва бошқалар учун тўлайдиган пуллар, акцизлар ҳамда заемлардан тушган маблағлардан шаклланади. Буларнинг миқдори хиллари турли мамлакатлари турлича.

Ҳукуматнинг кирим ва чиқим пуллари Давлат бюджетини ташкил этади.

Дейлик, йил охирида Сиз - ҳукумат бошлиғи ўз молия вазирингиз, давлат банки бошқаруви раҳбари ва бошқа ҳисобдан кишилар билан ўтириб ўтаётган йил бўйи қилинган харажатларни ҳисоб-китоб қиласиз. Шунда баъзан фойдадан кўра харажат кўп бўлгани аён бўлади. Бунинг Бюджет тақчиллиги дейилади (ҳатто Россия каби давлатларда бюджет тақчиллиги олдиндан режалаштирилади ҳам).

Бундай ҳолларда 2 йўл бор: ё аҳолидан олинандиган солиқлар фоизи орттирилади ёки қўшимча пул ишлаб чиқарилади. Аммо бу иккала йўл ҳам хавфли. Чунки биринчисида - одамлар норози бўлади, иккинчисида - инфляция, яъни пул қадрсизлиги бошланади.

Шунақа ишлар! Юқоридагиларни ўқиб сиз ёш иқтисодчи бизга иқтисоддан сабоқ бериш ўрнига ҳукуматни бошқаришни ўргатмоқчимиз, деб ажабланишингиз мумкин. Биз бу дарсни атайин шу мавзуда ўтдик. Зеро, ҳар қандай иқтисодчи-тадбиркор аниқ бир мамлакатда, муайян ҳукумат билан боғлиқ равишда фаолият олиб боради. Шунинг учун у ҳукуматга осон тушмаслиги, у билан ҳисоблашиб, ҳамфикрликда иш олиб бориши зарур.

Москвада чоп этилган
"Книга для тех,
кто хочет стать богатым".

Диққат, конкурс: XXI аср фани бўйича

“ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР” СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИНИНГ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛГИ МАВСУМИ БОШЛАНДИ!



Республикамиз бозор иқтисодиёти томон шахдам одамлар билан бораётган бир пайтда, аҳолининг иқтисодий саводхонлиги ва янги иқтисодий тафкурни шакллантиришга бўлган эҳтиёж тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Шу боис, республикамиз Президенти ва ҳукуватимизнинг иқтисодий таълим ва тарбия соҳасида қабул қилган қатор фармон ва қарорлари ва уларни бажариш йўлидаги мактабларда олиб борилаётган ишлар айни муддао бўлмоқда.

Эндилкида иқтисодий билим асослари ҳамма мактабларда, 8-9-синфдан, баъзи мактабларда 5-синфдан, ҳатто 1-синфдан бошлаб асосий фанлар қаторида ўқитилмоқда.

Ҳозирча қўйи синфларда иқтисодий билим асослари фанининг киритилиши асосан мактаблардаги ташаббускор ўқитувчилар томонидан амалга оширилиб, мактаб компоненти соатлари ҳисобига амалга оширилмоқда.

Шу ўринда яна бир долзарб муаммо - ўқув адабиётлари ва дастурларнинг йўқлиги масаласига дуч келинмоқда. Ҳозиргача қўйи ва ўрта синфлар учун ўқув қўлланма ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилмаган бўлиб, иқтисодиёт фанидан дарс олиб борувчи ўқитувчилар бу борада анча қийналишмоқда. Иккинчи томондан, мактабларда иқтисодий билим асослари фани бўйича ўқитувчи мутахассисларнинг етишмаслиги бу муаммони янада мушкуллаштирмоқда.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда 1998-1999 ўқув йили учун лойиҳа муаллифлари - фан номзодлари Эргашвой Сариқов ва Баҳодир Ҳайдаровларнинг ташаббуси билан “Тонг юлдузи” газетаси билан ҳамкорликдаги “Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурси эълон қилинган эди. Бундай сиртқи мактаб шаклидаги конкурснинг эълон қилиниши айни муддао бўлди. Конкурс бутун ўқувчида давомида олиб борилди. Ҳар ҳафтада, “Тонг юлдузи” газетасининг ҳар бир сонидан конкурс топшириқлари ва бу топшириқларни бажариш учун зарур бўладиган назарий материаллар бериб борилди. Ўқитувчилар конкурс материаллари асосида қатор мактабларда дарслар олиб боришди.

Конкурснинг якунлари ҳар бир-икки ойда чиқазилиб борилди. “Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсида республикамизнинг турли вилоят ва туманларидан, 500 дан ортиқ ўқувчидан 5000 га яқин жавоб хатлари олинди. Ҳатто қўшни Қирғизистон ўқувчилари ҳам конкурсда фаол қатнашдилар. Якуний босқич Тошкент шаҳрида 1999 йил 17 май кuni бўлиб ўтди. Конкурсда фаол қатнашган 120 ўқувчи телевидение иштирокида ўтказилган тест синови, назарий конференция, бизнес лойиҳалар ҳимояси, рекламалар конкурси, аукцион, лоторея тадбирларидан иборат катта шоу-дастурга таклиф қилиндилар ва улар орасидан ёлиблар аниқланди. Кон-

курс ёлиблари рангли телевизор, стереомагнитофон ва 10 дона аудио-плеерлар билан бир қаторда 30 дан ошмиқ қимматбаҳо совринлар билан тақдирландилар.

Энг асосийси, бу сиртқи мактаб конкурсига қатнашган ҳар бир ўқувчи, йил давомида иқтисодиёт асосларини мустақил ўрганиш имкониятига эга бўлди. Сиртқи мактаб конкурсининг якунловчи босқич қатнашчиларининг барчаси, конкурс дипломатлари унвонига сазовор бўлдилар ва зукко иқтисодчи ёшлар “Зиё” клуби аъзоллигига қабул қилиндилар.

Конкурс муаллифлари ва ташкилотчиларининг бу хайрли иши, юқорида таъкидланган муаммоларни ечишда жуда қўл келди. Шу боис, улар “Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсининг яна давом эттириши лозим деган қарорга келдилар.

Конкурс ташкилотчилари ўтган йилги тажрибаларидан келиб чиқиб, “Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурси билан бир қаторда яна уч йўналиш бўйича алоҳида кичик конкурслар ўтказишга қарор қилдилар:

I йўналиш: Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси

II йўналиш: Энг яхши бизнес режа лойиҳалари конкурси

III йўналиш: Энг яхши рекламалар конкурси

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсининг ўзганини ўқув йили давомида олиб бориладиган дарс топшириқлари асосидаги асосий конкурс ташкил қилади. Бошқа кичик конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини йил давомида бажариб боришлари шарт.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсига оид дарс материаллари ва топшириқлари ҳар ҳафта газетга орқали бериб борилади. Сиз дарс материални ўрганиб чиқиб, топшириқларни бажариб жавоб йўллашингиз зарур бўлади. Топшириқ шартлари газетадан кўчириб олишингиз ёки ундан ксероксда нусха олиб, тўлдириб жўнатишингиз мумкин. Шунингдек, топшириқни беvosита газетадан қийиб олиб тўлдириб йўллашингиз ҳам мумкин.

Конкурснинг якуний босқичи 2000 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ёки ёз пайтида сўлим оромоҳларнинг бирида 3-4 кун давомида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Асосий конкурс ёлибларини телевизор, магнитофон, аудио-плеер каби қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Қолган кичик конкурс шартларини газетанинг кейинги сонларида эълон қиламиз. Кичик конкурс ёлиблари учун ҳам алоҳида махсус совринлар белги-ланган.

XXI аср фани бўйича ўтказиладиган конкурсга ҳамма янгиликка интилувчан, тиришқоқ ва ижодий фикрлайдиган ўқувчиларни таклиф қиламиз.

Омад сизга ёр, билим мададкор бўлсин!
Конкурс ташкилотчилари.

I - ДАРС

БАНКЛАР

БАНКЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ТАРИХИ

Ўрта асрларда кўп жойларда пулнинг асосий шакли олтин ва кумуш тангалар эди. Уларни олиб юриш ноқулай бўлиб, ўеирлатиб қўйиш эҳтимоли ҳам кўп бўлган.

Шу сабабдан одамлар олтин ва кумуш тангаларини заргарларга сақлаш учун бериб қўйишган. Заргарлар эса уларга олган тангалари ҳақида тилхат берганлар ва аста-секин пулларни сақлайдиган жамғармачиларга (банкирлар) айланишган. Заргарлар берган тилхатларни савдогарлар тангалар ўрнига бажонудил қабул қилишган. Чунки, бу қовозларни олиб юриш қулай бўлиши билан бирга, исталган пайт заргарга бориб олтин тангаларга алмаштириб олиш мумкин бўлган. Бу тилхатлар - қовоз пулларнинг энг дастлабки кўринишларидан бири эди.

Бир кун келиб, бир ақлли заргар сақлаётган олтин тангаларнинг бир қисмини яширинча, маълум қўшимча ҳақ эвазига бошқа кишига қарз бериб юборган.

Бу тангаларнинг эгалари сўраб келгунларига қадар, бошқа одамлар тангаларини топширишган. Бу тангаларни уларга берган. Кейинги омонатчилар ўз пулларини сўраб келгунларига қадар яна бошқа одамлар пулларини сақлашга топширишган. Бу пулларни кейинги омонатчиларга берган ва ҳоказо.

Бу жараён кетма-кет давом этаверган ва ҳеч ким ҳеч нарсадан шубҳа қилмаган ва энг асосийси - ҳеч кимнинг ҳақида хиёнат қилмаган ҳолда, заргар қўшимча даромад қилган. Бунини эшитган бошқа заргарлар ҳам сақлаётган пулларини қарзга беришга ўтганлар. Натижанда, заргар - банкирлар нафақат одамларнинг пулларини сақлаш учун қабул қилганлар, балки бу пулларни маълум қўшимча ҳақ эвазига, очикдан-очик қарзга берадиган бўлишган. Олдинлари, заргарлар пулларни сақлаш учун маълум ҳақ олган бўлсалар, кейинчалик одамларга, пулларини сақлашга берганликлари учун заргарлар ҳақ тўлай бошлаганлар. Бу ҳолат омонатчиларга ҳам маъқул тушган.

Шу тариқа, фақат пулни сақлаш ва қарзга бериш билан шугулланувчи корхоналар, банклар пайдо бўлган.

Бу инсониятнинг энг катта ихтироларидан бири эди.

I - ТОПШИРИҚ

БАНКЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ТАРИХИ

1. Тўғри жавобни топинг.

Биринчи банклар қачон пайдо бўлган?

- A. Ибтидоий жамоа тузумида
- B. Эраимиздан олдинги II асрда
- C. Пул пайдо бўлган пайтдан бошлаб
- D. Ўрта асрларда
- E. Олтин тангалар пайдо бўлган вақтдан бошлаб

2. Тўғри жумлаларни “√” белги билан белгиланг. Заргарларнинг банкирларга айланишида...

- 1. Олтин ва кумуш тангаларни кўтариб юришининг ноқулайлиги
- 2. Заргарлар пулнинг кўпайиб кетиши
- 3. Заргарларнинг уддабуронлиги
- 4. Ҳеч кимнинг ҳақида хиёнат қилмасдан даромад топиш имкониятининг топилиши

... сабаб бўлган

3. Нима учун пулларини сақлашга берганликлари учун заргарлар одамларга ҳақ тўлай бошлаганлар?

Жавоб: _____

4. Заргарда 1000 олтин танга бўлиб, у иккита омонатдан ташкил топган. Биринчи 400 тангалик омонат 4 ойга, иккинчи омонат эса 8 ойга қўйилган. Заргар қанча олтин тангани қачон ва қандай муддатга қарзга бериши мумкин?

Жавоб: _____

5. Маълумки, баъзи жойлар буюдой ҳам пул вазифасини бажарган. Нега ўша пайтларда деҳқон-банкирлар пайдо бўлмаган, деб ўйлайсиз?

Жавоб: _____

6. Дастлабки банклар қандай хизматларни бажарган?

Жавоб: _____

7. Нима учун банк омонатларга қўшимча ҳақ қўшиб қайтаради?

Жавоб: _____

8. Заргар-банкирда 2500 олтин танга бўлиб, у учта омонатдан ташкил топган. Биринчи омонат - 600 танга, 8 ойга топширилган; иккинчи омонат - 900 танга, 10 ойга қўйилган; 3-омонат эса бир йилга қўйилган. Заргар қандай қарзлар бериши мумкин?

Жавоб: _____


9. Баъзи мусулмон давлатларида берилган қарз учун ҳақ олинмайди. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?

Жавоб: _____


МАКУБЛАРИНИНГ КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона (Музаффер ПИРМАТОВга).


Жерри, Том ва
Таффига
уйларга мос
дарвоза
танлашларига
ёрдамлашинг.




1 ва 2
суратларга
нима
етишмаётганини
топинг.




Жеррига энг
якин йўлдан
боришига
ёрдамлашинг.




Том ва
Жеррини
финишга етиб
боришига
ёрдамлашинг.



Кимнинг
парашюти
қайси?



Суратлардаги
бешта фарқни
топинг.





учун ҳаминша қайғурувчан раҳбарлар Хитойдан дафтар олиб келиб ўқувчиларга тарқатишди. Кам таъминланган оила фарзандларига ҳокимлик, ҳомий ташкилотлар, фермер хўжаликлар томонидан баҳоли қудрат ёрдам берилмоқда.

Дарвоқе, туман ҳудудидаги Чинобод ип йиғирув тўқув фабрикаси Америка қўшма корхонаси билан ҳамкорликда неча йиллардан буён эл хизматида. Балиқчи нотўқима матолар

зукколиги мени жуда руҳлантириб юборди. «Халқ таълими йили» деб эълон қилиниши муносабати билан амалга оширилган тадбирлар орасида «иқтидорли ва аълочи ўқувчилар»га туман ҳокимлиги мукофот таъсис этди:

1. Аниқ фанлар бўйича ютуқлари учун - УЛУҒБЕК номли мукофот;

2. Ижтимоий фанлар бўйича ютуқлари учун - БОБУР номли мукофот;

3. Ўзбек тили ва чет

Эр-хотин бир ўғли билан яшар экан. Ҳар бирида энгил машина. 60 гектар фермер хўжалик ерида ёлланма ишчилар ишлар экан. Уларнинг 60 мамлакат билан шартномаси бор экан. Шунда хонадон эгасидан:

- Шунча бойликни нима қиласиз? - десам, у:

- Бойликлар мени еб-ичишимни эмас, балки юртимда эркин юришимни, бировга қарам бўлмаслигимни таъминлайди, - деб жавоб берди. У мени Голландия

БАЛИҚЧИДА "МАЪРИФАТ" ЖАМҒАРМАСИ

Азиз «Тонг юлдузи»! Ростини айтсам ўтмишдан кўз юмиб бўлмайди. Болалигимнинг энг ширин онларида сенинг саҳифаларингдаги (ўша вақтда газета «Ленин учкуни» деб номланган) ранг-баранг мақола-ю, шеърлардан ақлим чархланган эди. Энг яқин сирдошим, маслаҳатгўйим эдинг.

Умр оқар сув деганлари рост экан. Бугун қизалогим мафтунанинг «Тонг юлдузи» саҳифаларини варақлаб ўтирганини кўриб, яна бир бор болаликка қайтдим. Сен орқали танишиб, мактублар орқали қадрдон дўстлар орттирган ажиб дамларни соғиниб кетдим. Чинданам сен бизнинг ажойиб ҳамроҳимиз, етакчимиз эдинг. Билмадим, балки ўша вақтдан юрагимга сингиб қолгандир, шеърга, адабиётга, санъатга ошнолик...

Тўрт қатор хабаримиз саҳифангда чоп этилган кун бу тун мактабда байрам бўлиб кетарди. Бугун ҳам Балиқчи тумани мактабларида билим эълан қилган ўғил-қизларни саҳифаларингда исм-шарифларига кўзим тушса, боладек яйраб кетаман.

Олимбек қишлоғида болалигимнинг энг мазмунли онлари ўтди. Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ, устозларим касбига меҳр қўйдим. Ниятим ушалиб кимё фани ўқитувчиси бўлдим ва

маорифни юксалтириш, унинг ютуқ ва муаммолари ҳақида кўп ўйладим.

Қишлоқда ўстан ҳар бир инсонни ер меҳри чорлаб туради. Ўша меҳр мени ҳам пахтачилик соҳасига кучли боғлаб қўйди. Мана, пахтачилик олийгоҳини битирганимдан буён меҳнаткашлар даврасиданам. Бугунга келиб туманда 52та мактаб фаолият кўрсатмоқда. Ўттиз уч минг ўғил-қизга 2800та жонкуяр мураббийлар устозлик қилишмоқда. Уларнинг ютуқларидан кўнглим тоғдек кўтарилса, камчилигидан шунчалар азият чекаман. Камчиликларни бартараф қилиш мақсадида туман хўжалик ҳисобидан еттита мактаб қурдик. 24 минг гектар ерга эга бўлган туманда 11254 гектар ерга пахта экилади. Шундан 7025 гектар ерга буёдой қадаимиз.

Азиз сирдошим «Тонг юлдузи»! Мен бу рақамларни сенга бежиз айтаётганим йўқ. Тумандаги ҳар бир мактабга қонуний равишда 11 йиллик мактаблар учун уч гектардан, 9 йиллик мактаблар учун 1,5 гектардан ер майдони ажратиб бердим. Шу ер ҳисобига олинган даромаддан мактаблар ўз иқтисодий базасини мустаҳкамлаб олмоқда. Мактабларда ўқув йили охири 25-майдаёқ таъмирлаш ишлари тугайди. 120 минг сўм даромад олган тумандаги 1- ва 31-мактаб маъмуриятдан нима учун хурсанд бўлмай? ..

Хўжалик бошқарувидаги маориф



фабрикаси. Хўжаобод спорт товарлар фабрикаси, пахта тозалаш заводлари ҳам ўз ҳомийлигида мактаб ва боғчаларга бевосита кўмакдош.

Ўсиб келаётган ниҳолни шамоллару довуллардан сақлагувчи қўрғони бўлгани каби мактабу боғчаларни ўз оталиғига олган ҳомий ташкилотлари бор. Чунки, таълим-тарбия масканига чинакам маънода оталик қилиш ҳар бир ориятли раҳбарнинг виждонли иши эканлигини улар ҳис қилиб яшайдилар.

«Тонг юлдузи»! Сенга айтадиган яна бир хушxabарим шуки, 1999 йилни туман миқёсида «Халқ таълими йили» деб эълон қилдик. Бу эса жонкуяр муаллимларимиз учун катта тухфа бўлди. Улар кучига янада куч-қувват қўшади деб ўйлайман. Август ойида туманимизда бўлиб ўтган вилоят семинари катта анжуманга айланиб кетди. Айниқса, маорифимизни яна бир ютуғидан хурсанд бўлдим. Ўзбекистон Ёшлар телеканалининг «Янги авлод» студияси томонидан туман маорифи 5та кўрсатув орқали кенг ёритилди. «Катта танаффус», «Бўш ўтирма», «Дунё ва болалар», «Уй вазифаси», «Келинг, танишайлик» кўрсатувлари орқали Балиқчилик ўғил-қизларимни топқирлиги-ю

тиллари фани бўйича ютуқлари учун - НАВОЙИ номли мукофот.

Ундан ташқари аълочи ўқувчиларга олийлик стипендиялар ва илғор филолий халқ таълими ходимларини

рағбатлантириш мақсадида «Маърифат» жамғармаси ташкил этилди. Шу кунларда вақтли матбуот нашрларига обуна қилишда барча мактабларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Болалик ҳамроҳим бўлган «Тонг юлдузи»га эса бу йил тумандаги 10.000 ўқувчи бир йилга обуна бўлади. Чунки, болада болаликдан оқ илгача ошнолик келажакни ёрқинлайди. Сен «Тонг юлдузи» эса ўша болаликни, ўша болаларни эзгуликка, маърифатга йўллагувчи ажиб нурсан.

Сен билан сўзлашиб, хайрлашим келмайпти. Хизмат юзасидан пахта навини ўрганиш ва уни ўзбек тупроғида ўзлаштириш мақсадида Голландияда бўлдим ва маориф соҳасига ҳам қизиқдим. Мактаб йўқ, дарслар телевидение орқали ўтилар экан. Ўқувчилар уч ойида бир марта районга бориб ТЕСТ топширар эканлар. Бир голланд оиласида яшадим.


кўчаларини айлантиргани олиб чиқди. Шаҳардан четроқда бир кўприк бор экан. Кўприк тагида эса сон-саноксиз одамлар бўйнига тахтакач боғлаб олган куйи нималарнидир гапиришарди. Тахтакачда эса қандайдир ёзувлар... Ҳайронлигимни сезган ҳамроҳим:

- Булар осон меҳнатга ўрганиб пул топмоқчи бўлган мақсадсиз, баъзилари эса уйсиз, жойсиз одамлар, - деб тушунтирди ва сўзини охирида, - Голландияда ҳам барча тўқ яшамайди, - деб кўшиб қўйибди.

Ишонсанг, ўша заҳотиёқ кўз олдимга Она Ватаним келди. Ҳатто ётга ҳам бошпана берган, душманга ҳам бағридан жой берган ўзбекдек элим борлигидан яна бир бор ғурурандим. Мустақиллигимиз шарофати ила маориф соҳасига бўлган эътибор ва талаб ҳеч кимни лоқайд қолдирмаслиги керак.

Тўғри, барчамизнинг ўзимизга яраша юмушимиз, вазифамиз бор. Аммо таълим-тарбия ишига кўмаклашиш, шу соҳада меҳнат қилаётганларга мададкор бўлмоқ ҳар қандай вазифадан юксак ва қутлуғ деб биламан.

Одилжон АБДУРАИМОВ,
Андижан вилояти
Балиқчи тумани
ҳокими.



- Тур ўғлим, кетамиз, деди Қосим амаки тонг сахарлаб Мақсудни уйғотар экан. У ўрнидан туриб, ювиниб, кийиниб олди.

- Тайёр бўлдингми, ўғлим, деди Ханифа хола, ке, чойингни ичиб ол.

Ханифа хола аллақачон кўзларида ёш, уларни чой ичкизиб, йўлга кузатиб қўйиш учун елиб-югуриб юрган эди. Ахир шундай кунларда, энг ачинарлиси хонадондан бир кишини ерга қўйиб келинган, ўз уйини ҳувиллатиб, узоқ жойга кетаётган одамнинг қолганларига қанчалик оғир бўлса, бу оғирлик Ханифа холага унданда батарроқ туюла бошлаганди. Бунинг устига акасининг энди фарзандлик бўлай деганда, Худо уни кўп кўргани, ҳаммасидан ёмон эди.

- Хўп бўлмаса, синглим, деди Қосим амаки кўзлари ёшга тўлган ҳолда, келгунимизча уйдан хабар олиб турасиз.

- Тезроқ келасизларми?

- Кўрамиз. Мабодо қийналиб қолсангиз, тепа ховлини сотиб, тирикчилигингизга ишлатаверасиз. Фақат мана шу боғ қолса бўлди. Худойи боумуд. Қайтиб келсак, мана шу боғ Мақсуджонга. У бизнинг чирогимизни ёқиб ўтиради.

Улар ташқарига чиқишганда, Ханифа хола:

- Бедарак кетманлар, яна, деди.

- Қаерга бориб тўхтасак хат ёзармиз.

Ханифа хола уларни ховуз бўйида бир ўзи кузатиб қолди. Сададаги чумчуқлар ҳам худди улар билан хайрлашаётгандек чуғурлашар, сўқмоқда юрган тўрайлар ҳам бутун эртароқ туришганми, осмону фалакка чиқиб, улар сафарга кетаётганларни кузатаётгандек алланималар деб, чуғурлашар эди. Ота-бола кун чиқиш томонга қараб, сўқмоқ йўлдан юриб аста Наманганга жўнашди.

Шу ердан бошланган кенг пахтазор, тоғ аэропортгача, ундан кейин поезд йўлигача пахта экилган эди. Қосим амаки йўлма-йўл пахтазорлар орасидаги сўқмоқ йўлдан борар экан, илгари бу ерларда катта-катта ўрикзорлар, узумзорлар, анор-анжирзорлар бўлиб, ҳукумат одамлари бу боғларни бузиб, пахта экканлиги тўғрисида Мақсудга тушунтириб, уни зериктирмай олиб борар эди. Мақсуд орқароқда судралиб қолгани учун аэропортдан ўтандан кейин Елхон деган жойга борганда ҳали деворлари бузиб ташланмаган, аммо пахта экиб қўйилган бир боғнинг бир пахсалик деворига гулосини қўйди-да, дам олиб турди. Мақсуд йўлда оёғидаги ботинкасининг иши узилиб кетган эди. Уни ечиб, бошқатдан бойлади-да, Қосим амакининг ёнига етиб келди.

- Чарчадингми, оёгинг оғрияптими? Нега

оқсоқлаяпсан?

- Оёғим қаварибди. Ботинкамни ечиб, кейин кийиб олдим.


- Оз қолди, ўғлим, ҳадемай етамиз. Ё гулосингни мен кўтариб олайми?

- Йўқ, оғир эмас.

Яна йўлга тушишди. Тўрақўрғондан чиқиб кетиб боришар экан, бу азиз дийрнинг ҳар бир ниҳоли қинғир-қийшиқ тизза бўйи тупроқ тор кўчалари, ариқларда оқаётган зилол сувлари, энг муҳими мўътабар азиз одамлари улар

Гўё Меҳрихон, опаси кенг дала бўйлаб улар кетидан эргашиб қоладигандек сезилди унга. Гўё Меҳрихон «Эй, қаёққа кетаяпсизлар? Мени ҳам олиб кетинглар» деяётгандек қулоғи остида унинг овози жаранглади ва кўз олди қоронгулашиб бошидан биров совуқ сув қуйиб юборгандек бўлди. Қўрқиб кетганидан Мақсуд овозининг борича «Амаки» деб юборди. Кўзини очиб қараса, Қосим амаки Мақсуднинг пешонасини силаб ўтирибди.

Махмуд ИБРОҲИМОВ



№ дан № га

билан хайрлашадигандек «Қаёққа Мақсуд? Дўстларинг Қаҳҳор, Абдурайим, Боққи, Абдуфаттоҳ, холанг ва унинг ўғли Содиқларни ташлаб қаёққа кетаяпсан? Уларсиз қандай кун кечирасан?», - деяётгандек эди. Орқасига қаради. Қуёшнинг заррин нурлари Тўрақўрғон тепасига сочилиб турар эди. У узоқдан қараганда ажойиб бир манзара кашф этгандек кўзга ташланар эди. Боғ кўчадаги мирзатераклар яққол кўринар, Хўжа маҳалладаги дала шийпони оппоқ бўлиб турарди. Олиса Шимолий Фарғона каналининг зилол суви худди оқ поёндоздек ялтираб кўзга ташланарди. Канал қирғоғидаги зич экилган мирзатераклар узоқдан худди етти пахса деворни эслатиб, у гўё Тўрақўрғонни ўраб турган деворларга ўхшар эди. Тўрақўрғонни узоқдан тамоша қилган Мақсуд дили бир нарса армон бўлиб қолгандек эди. У Тўрақўрғоннинг баланд-баланд деворлари, сертакаллуф, меҳнатсевар, тўғри сўз одамлари билан яккама-якка хайрлашмагани энг муҳими Меҳрихон опасини ўша ерда ёлғиз бир ўзини қабристонга кўмиб келишаётгани кунга афсуслантирар эди. У боғларини қидириб топди.

- Сенга нима бўлди, Мақсуджон? Бирон нима чақиб олдимми ёки қорнинг очдимми, деди Қосим амаки йиғламсираб. Мақсуд шунча гапирай дейди-ю тилини қимирлата олмасди. У ноилоҳ «Ҳеч нима бўлгани йўқ», дегандек бошини сарак-сарак қилди, холос. Унинг азойи бадани муз бўлиб қолган эди. У яна кўзини юмди...

Ўша кун кечга яқин бир амаллаб шаҳарга етиб боришди. Вокзалдаги кичкинагина бозорчада кун ботиш арафасида гулосларини арзонга сотишиб бозор ёнидаги чойхонага киришди-да нон, холва олиб қоринларини тўйгазишди. Чойхона темир йўл вокзали ёнига сида бўлгани учун поездларнинг қичқириқлари баралла эшитилиб турарди. Мақсуд амакининг ҳоли-жонига қўймай икки марта йўлнинг у ёғига ўтиб поездни кўриб келди. Паравозни биринчи марта кўраётгани учун унга қизик кўринди. Айниқса паравоз гилдирагинини ҳаракатта келиши «Хуп-иш-хуп-иш»лаши ва қулоқни қоматга келтиргудек қичқириши уни ўзига ром қилган эди. Унинг олдида сира кетгуси келмай қолди.

- Бугун Тошкентга поезд бўлмас экан, ўғлим.

- Ана поездлар юрибди-ку.

- Улар юкчи поезд. Одам ташийдигани бошқача бўлади, - тушунтирди Қосим амаки. Иложи қилиб Андижонгача етиб олганимизда у ёғига бир гап бўларди.

Чойхонадан шомларда кўзгалишди. Вокзалда ярим кечагача ўтириб, тонг сахарда юк поездига ўтиришди ва ниҳоят Андижонга етиб олишди. У ердан Тошкентга поезд бўлар экан. Эртасига Чошгоҳда йўлга тушишди. Поезд «тақ-туқ»лаб Тошкент томон борар эди.

ЯҲТИ ХОЛА

Эрта билан Қосим амаки кўчадан янги гап топиб келди. Пул янги бўлармиш.

- Пул янги бўлибди? - таажжубланиб сўради Тожихон.

Ҳа, Ҳакимжон бозорга чиққан экан ўшоқдан эшитиб келибди. Ҳамма пулини алмаштириб келаяпти, тез бўл. Бугун эрта унинг муддати тугармиш.

Ҳар қанча пулимиз бўлса алмаштириб оламиз, чол, хотиржам бўлаверинг, деди Тожихон.

Тожихон ўрнидан туриб ичкарига кириб кетди. Бироздан кейин кўрпанинг қатидан минг сўм, маҳсининг ичидан бир минг беш юз сўм, хуллас у ёқ бу ёғидан топиб анча-мунча пулни санаб чолнинг, яъни Қосим амакининг қўлига топширди. Чунки уларнинг ҳар икковининг топгани Тожихонда турарди.

Тожихон Қосим амакининг Тошкентдан топган иккинчи хотини. Уни Тошкентдаги Бешёғоч бозорида битта дўкончада мева-чева сотиб ўтирганлида учратиб қолади ва уни Тўрақўрғонга олиб келади. Сабаби, у ҳам худди Меҳрихонга ўхшаган, қулиб турадиган. Истараси иссиқ, хушмуомала, аммо у Меҳрихонга қараганда паст бўйли, қорачадан келган тўла аёл экан. Унинг айтишига қараганда ёшлигида у асли фарғонанинг Олтиариқ туманидан бўлиб, бой-бадавлат оилаларни узоқ ўлкаларга бадарга қилинганда унинг ота-онаси ва ўзи ҳам Украинага жўнатилган экан. Ўшанда у эрга теккан бўлиб бир ўғли эри билан Фарғонада қолиб кетаверган эди. Шундан кейин у бир амаллаб Тошкентга келиб, бозордан битта бутка очиб тирикчилик қилиб юрган экан. Қосим амакининг таклифи Тожихонга маъқул бўлибди. У билан Тўрақўрғонга кетишга рози бўлибди. Мана, ярим йилдики Тожихон у ерда Қосимжонлар оиласида уй бекаси. Мақсуднинг эса Меҳрихоннинг ўрнига янги холаси.

- Пул кўп экан-ку, деди Қосим амаки. Бунинг ярмини ўзинг ҳам алмаштираманг бўлмайди.



Ўзбекистон
болалари ва
ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚҶМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМФАРМАСИ

Бош муҳаррир:

Умида

АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Йўлдош САИДЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Дадахон ЁҚУБОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Мирзаўлғат ТОШПЎЛАТОВ,
Музаффар ПИРМАТОВ,
Баҳодир ХАЙДАРОВ,
Эргашвой САРИҚОВ,
Феруза ОДИЛОВА.

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида
босилди. Ҳажми
2 босма табоқ
Буюртма — К-74-19.
43.351 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3

ОТА-ОНА МЕҲРИ КЕРАК

Синфимизда Адҳам деган етим бола бирга ўқийди. Унинг онаси йўқ, дадаси тарк этган. У аммаси билан бирга яшайди. Бироқ синфимиздаги болаларга қараганда бутунлай бошқача, маънос, ҳа деганда болалар билан эркин, қувнаб-ўйнаб кулавермайди. Унга ҳаётда нимадир етишмаётгандек яшайди ва ўқийди. Унинг бувиси Обидахон ая қишлоқнинг обрўли аёлларидан бири. Адҳамга оналик меҳрини бериб туради. Бироқ бола учун ўз ота-онасининг меҳри бутунлай бошқача бўлар экан-да.

Шунинг учун илоҳим ҳеч ким ота-онадан ёш етим бўлиб қолмасин, бировлар тарбиясига, меҳрига муҳтож бўлмасин дейман.

Фарҳод ТЕМИРОВ,

Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги,
1-ўрта мактабининг 10-синф ўқувчиси.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилгоҳимиз
700129, Тошкент
шаҳар Навой кўчаси:
№64563

Тел: 144-62-34